


Эл меҳрини қозонган инсон



Тошкент – 2019

УЎК 821.161.133

ББК 84.5

Э 24

**Нашр учун масъуллар: Ҳазрат Умаров Сайли Бозоров,
Жўра Ҳамроев**

**Масъул муҳаррирлар: Муҳаммад Пирриев,
Саъдулла Ғайбуллаев**

**Эл меҳрини қозонган инсон// Умаров Ҳазрат ва муаллифлар
жамоаси, Тошкент, Lesson press, – 2019. 72 б.**

Ушбу китобда Бухоро вилояти Қорақўл (кейинчалик Олот) тумани таркибида бўлган “Шарқ юлдузи” колхозининг донгдор раиси Раҳмон Жумаевнинг (1914-1979) ибратли ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида сўз боради. Турли касб эгалари, Р.Жумаевнинг фарзандлари ва унинг замондошлари битган эсдаликларда бугунги кун учун ҳам фойдали бўлган фикрлар, маълумотлар мужассамлашгандир.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 821.161.133

ББК 84.5

**Мазкур китоб Бухоро вилояти Олот тумани ҳокимлиги
билан ҳамкорликда нашр қилинди.**

ISBN 978-9943-5075-3-1

© Умаров Ҳазрат ва муаллифлар жамоаси, 2019



МЕХРУ САДОҚАТ ИФОДАСИ

Мен бир неча йилдан бери кумликлар бағридаги Олот туманига ҳокимлик қилиб келмоқдаман. Имконим етган даражада шу юрт ободлиги, кишилар фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, одамлар билан ишлаш борасида катта тажриба, озми-кўпми ҳурмат орттирдим. Олот ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча соҳаларида Бухоронинг пешқадам туманлари сафида бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда мисли кўрилмаган миқёсларда ва суръатларда янги мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифо масканлари, йўллар, спорт майдончалари қурилмоқда ва бошқа ижтимоий соҳа иншоотлари барпо этилмоқда, мавжудлари тубдан таъмирланмоқда. Уларни номма-ном узоқ санаш мумкин. Аслида уарнинг сони эмас, балки бу ўзгаришларнинг узвийлик касб этиб, ҳар бир кишининг ҳаётига кириб бораётганлиги, дунёкарашига таъсир қилаётганлиги ҳаммамиз учун муҳимдир.

Мен бу ўзгаришларнинг замирида икки муҳим омилни кўраман. Биринчиси, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг иродаси билан Ўзбекистонда бошланган туб ислохотлар биз олотликларни ҳам ўз иқтисодий-маънавий ҳаётини, турмуш тарзини ўзгартиришга руҳлантирди. Иккинчиси, Олотда ўн йиллар давомида ҳар қандай масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир раҳбар ходимларни тайёрлашда ворисийлик мактабининг яратилганлиги ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлди, десам хато бўлмайди. Бу мактабнинг таъмал тошини кўйган ва илк гишталаридан деворини кўтарган, юртга маърифат улашган ажойиб инсонлар ҳақида гап кетганда фаолияти ва ҳаёти Олот заминига

пайваста бўлмиш СССР Конституцияси (1936 йил 5 декабрь) қабул қилинган Советларнинг Бутуниттифок фавқулодда 8-съезди иштирокчиси Бозор Олимов, биринчи чақириқ ЎзССР Олий Советига ўша вақтдаги Қоракўл туманининг Олот сайлов округидан депутатликка сайланган Ўзбекистон Ҳукумати раиси Абдужаббор Абдурахмонов, мамлакатимиз миқёсида ҳам нуфузли вазифаларда ишлаб ҳурмат топган Искандар Ҳасанов, Сано Жумаев, Сулаймон Муродов, Хайрулла Ҳусайнов, шунингдек, Рўзи Тоғаев, Аҳад Воҳидов, Раҳмат Ботиров, Декабрь Бобоқулов, Рустам Ҳамроев, Гофир Ботиров, Саидкул Оққиев, Итолмас Хўжаев, Рўзиқули Қўзиёев, Рўзи Бойлиев, Имомқул Жўраев, Дониёр Тошев, Файзулла Жумаев, Ҳалим Азимов, Рўзи Бойлиев, журналист Ёшузок Юсупов, номи бутун мамлакатимизга машҳур Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев, шарқшунос олим, филология фанлари доктори, кўплаб бадиий асарлар муаллифи Гулом Каримийларнинг номини ҳурмат билан тилга олиш ўринли бўлади.


Анча давом эттириш мумкин бўлган ушбу рўйхатда ҳамюртимиз, ажойиб пахтакор, салоҳиятли инсон Раҳмон Жумаевнинг номи алоҳида ўринга эгадир. Тўғриси, мен Раҳмон Жумаевни шахсан билмайман, чунки биз замондош бўлмаганмиз. Мен бу кишининг номини, адашмасам, биринчи марта тоғаларим ва дадамдан Олот тумани ҳокими вазифасига тайинланган пайтда эшитганман. Ўшанда улар дейишганди: “Олотда қилган ишлари туфайли топган обрўси ва мавқеи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сулаймон Қурбоновдан кам бўлмаган Раҳмон Жумаев деган раис ўтган, у ҳамма замон қалб амрига бўйсуниб яшаб ўтган. Туманнинг ҳамма соҳасида унинг шогирдлари ишлашади, у шогирдларига ҳам шунақа тарбия берган, уларнинг қалб амрини тўғри йўлга сола билсангина, ишларинг юришади, буни ёдингда тут! Раҳмон Жумаевдек одамларнинг хотирасини эъзозлаш керак!”

Дарҳақиқат, Раҳмон Жумаев ва юкорида номлари тилга олинган ҳурматли инсонларнинг шогирдлари ва неvara-эvara шогирдлари туманимиздаги раҳбар ходимлар захирасининг ўзагини ташкил қилмоқда. Фахрланадиган жойи шуки, уларнинг дилига

тўғри йўл топилса, ҳар қандай мушкул масалани тўғри ва кўнгилдагидек ҳал қилса бўлади.

Мен ушбу мўъжаз хотира китобини Раҳмон Жумаев қанчалар дарёдил, шогирдпарвар инсон бўлганлигининг, айти пайтда шогирдлар қалбидаги ўз устозига меҳру садоқат ифодаси деб биламан. Умид қиламанки, бошлаб берилган ушбу анъана бошқа устоз-шогирдлар тимсолида ҳам давом этади, ёшларимизни юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида, ўз юртининг тарихига, гарчи ўзининг бугунги эркин ҳаёти учун бир ғишт қўйган бўлса ҳам, ҳар бир кишининг умр йўлига ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаверади.

**Шерали Саломов,
Олот тумани ҳокими.**





ЯХШИЛИК ИЛА БЎЛСАНГ, ДЕР АҲЛИ ЗАМОН “ЯХШИ”

(Дебоча ўрнида)

*Яхшилик ила бўлсанг, дер аҳли замон “яхши”,
Эл яхши деса, дермиш Халлоқи жаҳон “яхши”.*

*Гар яхшилик истарсанг, тарк айла ямонлиқни,
Эл яхшисидин бу сўз: “Сен яхши – олам яхши”.*

Абдушукур Шукурӣ.

*(насл-насаби Қоракўл воҳаси билан
боғлиқ XIX асрда яшаб ўтган шоир)*

Қоракўл воҳасининг таниқли пахтакори Раҳмон Жумаев ҳақидаги ушбу эсдаликлар китобини таҳрир қилиш асносида қалбимизда туғилган ички бир эҳтиёж унга сўзбоши ёзишга ундади. Чунки Раҳмон Жумаевнинг 65 йиллик умр йўли бизга инсон ўз ақл-заковати, ишчанлиги билан ўз тақдирини тўғри йўлга сола билишнинг ажойиб намуналаридан бири сифатида алоҳида таъкидлашга муносиб бўлиб кўринди. Зотан, бу ҳаёт йўлини ўтган асрнинг 30-80-йилларидаги минглаб юртдошларимизнинг умр йўлларида асло ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг умр қарвони ҳам Олоту Қоракўлнинг ўша таниш қум, чанг кўчаларидан бошланган, етимликнинг нималигини бошдан кечирган, кейин қайсидир давлатманд кишининг мусодара қилинган ҳовлисида очилган бошланғич мактабда ўқиган, ташкил қилинган илк колхозларга ихтиёрий/ихтиёрсиз аъзо бўлган. 30-йилларнинг очарчиликлари, уруш даврининг ва ундан кейинги йилларнинг

қахатчиликлари ва қимматчиликлари унинг узви жисмига ҳам бегона эмас.

Шу аснода у руҳан ва жисман енгилмасдан ўзи учун катта ҳаётдан муносиб ва шарафга лойиқ ўрин топа билган. Махсус илми бўлмасда МТС директори, 20 йил (1954-1974 йиллар) узлуксиз колхоз раиси бўлиб ишлаш... Бу айтишга осон. Деярли ҳар куни энг олий идоралардан келувчи бир-бирини мазмунан инкор этувчи директивалар, тонготаргача давом этувчи сон-саноксиз мажлислар, ўша даврда оммавий урф бўлган очик, ёпиқ ва кенгайтирилган бюрлар, даладаги ишларнинг аҳволини текширувчи “штурмовой бригадалар”, нима учун ўтказилаётгани номаълум семинарлар, қарорларга “лаббай” деб жавоб бериш учун “ихтиёрий” равишда мажбурият устига олинадиган мажбуриятлар, райкому обком, кичик ва катта “цека” номидан дағдағали ва бажарилиши аслида имконсиз, суиистеъмолликларга кенг йўл очувчи топшириқлар... буларнинг ҳаммаси биргаликда ҳар қандай кишининг ҳам тинкасини қуритарди.

Қолаверса, 50-йилларнинг охирида Қоракўл воҳасида жиддий сув танқислиги вужудга келган, кўп чўл ҳудудларига чегарадош қишлоқларининг аҳолиси сувсизлик жабридан бошқа жойларга кўчиб кета бошлаган, айрим қишлоқларнинг суғориладиган ерларини қум кўчкилари босаётган, ерлар ёппасига шўрланаётган эди. Бу ҳолат узок давом этадиган бўлса янада ноҳуш офатларнинг юзага келиши муқаррар эди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Шундай вазиятда Ўзбекистон раҳбариятининг хоҳиш-иродаси билан махсус лойиҳа асосида 1962 йилда 54 км масофага эга Аму-Қоракўл машина канали қурилиб, ишга туширилади. Сув танқислигига барҳам берилиши билан Қоракўл воҳасининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туб бурилиш даври бошланди.

Лекин 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг биринчи ярмидаги маҳаллий бошқарувни ташкил этишдаги чалкашликлар ишнинг бир маромда боришига ёрдам бермасди: ўшанда бир вилоятда икки обком – қишлоқ обкоми ва саноат обкоми вужудга келган, туманларда эса қишлоқ хўжалик бошқармалари райком ва райижрокомдан ҳам юқори мавқега эга бўлган, райкомлар

бошқармаларнинг парткомига айлантирилган, раислар эса бу уч идора раҳбарларининг мавқе талашиш ўйинлари гирдобига тортилган эди...

Бунинг устига барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигидаги волонтаризм – кумлоқ, унумсиз ерларга ҳам мажбуран маккажўхори экиш, чигитни квадрат уялаб экиш (уни “гнездовой” деб аташарди); 1963-1964 йиллардаги карадрини – кўсак курти балоси; кўп қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида тарқалган трахома, фақат Қорақўл воҳасига хос анкилостома касалликларига қарши курашиш... ҳар бир раҳбардан ўта хушёрликни талаб қиларди, табиийки, давлат сиёсати даражасидаги маъмурий-буйруқбозлик оқимида қарши бориб бўлмасди. Қарши бормоқчи бўлганларни бу оқим ўз шафқатсиз гирдобига тортар эди.

Бизнингча, Раҳмон Жумаевнинг кўпчилик ижрочилардан фарқли жиҳати шундаки, у киши ана шу зиддиятли жараёнларнинг бевосита қуйи бўғиндаги ижрочиси бўлсада, сиёсат қиличи боши узра ўйнаб турсада, ҳеч қачон виждон амрига, инсоний маслағига, эътиқодига қарши иш тутмаган, ҳар бир ноқулай вазиятда ҳам ўз ҳамюртлари учун бирор манфаат топишга ҳаракат қилган, давр ва сиёсат берган имкон доирасида эл-юрт учун ўзига боғлиқ ҳамма ишни қилган.

Шу сабабли ҳам Раҳмон Жумаевнинг номи уни билган кишиларнинг қалбида ва хотирасида яшаб келмоқда. Ўз қадрини билган сафдошлар, шогирдлар ва солиҳ фарзандлар томонидан Раҳмон Жумаевнинг вафотидан бери 40 йил ўтгач яратилган ушбу ёднома китоб ҳам бунинг тасдиғидир.

**Муҳаммад Пирриев,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Саъдулла Ғайбуллаев, журналист.**



БУТУН БЎЛСИН, ДЎСТУ ЁРНИНГ ИМОНИ...


*Одамий эрсанг, демагил одами,
Онингким йўқдир халқ гамидин гами.*

Алишер Навоий

*Бўлса кишики соф юракла элга бош,
Иззат айлар ани ҳама кексаю ёш.*

*Эл корига ярасанг раҳбар бўлиб,
Ном қолгайдир сендан мўътабар бўлиб.*

*Қурмай туриб, бузсанг элнинг уйини,
Етти пуштинг эшитгай ланъат куйини.*



СЎЗЛАРИ ДОНО, ИШЛАРИ АЪЛО ЭДИ

*Беҳбуд ҳожи Жумаев,
журналистика фахрийси.*

Ҳаёти – бутун умрини ҳаллолик, поклик, одиллик, мардлик, эл-юртига ихлос-эътиқод кўйиб, яхшиликлар қолдирган марҳумларнинг хотираларини асраб-авайлаб, қабрларини покиза-саришта этиб, руҳларини эслаб турмоқ инсоний фазилатимиз ва қарзимиздир.

Одам дунёдан ўтгач, унинг руҳи-покини шод этиш турли таъзиялар, маърака ва маросимлар ўтказиш, марҳумнинг номини яхшилик билан эслаб туриш, хотирасини асраб-авайлаш халқимизнинг ажойиб фазилати, умуман тирикларнинг муқаддас бурчидир. Тарих силсилаларида синалган мана шундай энг яхши анъаналаримиз, расм-русумларимиз, урф-одатларимиз Шўролар даврида камситилди, кўплари таъқиқлаб кўйилди ва уларни онг-ғуруримиздан чиқариб ташлашга ҳаракат қилишди. Халқимиз бахтига Шўронинг зулмат пардаси парчаланиб, она Ўзбекистонимизда Мустақиллик куёши порлади.

Биз бугун мустабид деб атаётган Шўролар тузумида ҳам виждонли, эътиқодли, эл-юрт учун ёниб-куйган, ватандошларини яхшиликлар сари етаклаган инсонлар кўп бўлган. Ана шундай солиҳ кишилардан бири – бутун умрини элнинг эртанги порлоқ келажаги учун бахшида қилган Олот туманидаги “Шарқ юлдузи” жамоа хўжалигини йигирма йилдан ортиқ бошқариб, юртдошларининг чексиз ҳурматига сазовор бўлган инсон Раҳмон Жумаев эди.

...1970 йиллар. Мен Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаб “Советская Бухара” вилоят газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлар эдим. Аграр вилоят бўлганимиз боис газета саҳифаларининг қарийб етмиш фоизи қишлоқ хўжалик мавзусидаги материаллар билан банд бўларди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/6006> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/6006> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/6006>